

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QIS'HLOQ VA SUV XO'JALIGI
VAZIRLIGI**

SAMARQAND QIS'HLOQ XO'JALIK INSTITUTI

**Veterinariya fakulteti
5440100-«Veterinariya» yo'nalishi**

BEKTURDIYEV MUZAFFAR

**BITIRUV MALAKAVIY IS'HI
(REFERATIV IS'HI)**

**DERMATOMIKOZLARNING DIAGNOSTIKASI VA
PROFILAKTIKASI**

**Ilmiy rahbar:
Dotsent**

Shapulatova Z.J.

**Veterinariya fakulteti dekani,
dotsent _____ H.B. Niyozov
«____» _____ 2016y.**

**“Hayvonlarning yuqumli va invazion
kasalliklari” kafedrasi mudiri v.b.,
dotsent _____ X.K.Bozorov
«____» _____ 2016 y.
№ _____ - sonli yig'ilish bayoni**

Samarqand – 2016

MUNDARIJA

I.	Kirish.....	4
1.1.	Mavzuning dolzarbligi	12
II.	Adabiyotlar tahlili va internet ma'lumotlari.....	14
2.1.	Dermatomikoz qo'zg'atuvchilarining xususiyatlari.....	14
2.2.	Epizootologiyasi va patogenezi	25
2.3.	Klinik belgilari va kechishi	34
2.4.	Diagnoz	40
2.5.	Davolash	47
2.6.	Hayvonlar dermatomikozlarida immunitet va maxsus profilaktikasi... ..	50
III.	Xususiy tadqiqotlar.....	55
3.1.	Material va uslub	55
3.2.	Veterinariya ishini tashkil yetish va iqtisodi	56
3.3.	Tumanning profilaktik, epizootiyaga qarshi tadbirlarning rejasi	66
3.4.	Epizootik holat va epizootik xarita	71
3.5.	Dermatomikozlarning oldini olish va qarshi kurashish tadbirlari.....	72
3.6.	Dermatomikozlarning laboratoriya diagnostikasi.....	75
3.7.	Iqtisodiy zarar va o'tkazilgan tadbirlarning samaradorligi.....	78
IV.	Hayot faoliyati xavfsizligi.....	81
V.	Menenjment asoslari.....	83
VI.	Xulosa va tavsiyalar.....	85
VII.	Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.	88
VIII.	Ilova.....	92

МУНДАРИЖА

I. Кириш.....	3
1.1 Мавзунинг халқ хўжалигидаги долзарблиги	10
1.2. Мавзунинг илмий амалий асослари.....	12
II. Илмий адабиётлар таҳлили	13
III. Хусусий тадқиқотлар.....	18
3.1. Материалларни текшириш услублари.....	18
3.2. Темиратки касаллигининг эпизоотологияси.....	19
3.3. Касаллик диагностикаси ва клиник белгилари.....	21
3.4. Темиратки касаллигининг лаборатория диагностикаси.....	22
IV. Бузоқлар темиратки касаллигини махсус профилактикасининг самардорлиги.....	35
V. Темиратки касаллигида эпизоотияга қарши тадбирлар режасининг амалий аҳамияти.....	37
VI. Чорвачиликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш.....	41
VII. Ветеринария ишини ташкил этиш ва иқтисодиёти.....	49
VIII. фуқаролар муҳофаази ва меҳнатни муҳофаза қилиш	55
IX. Хулоса ва амалий тавсиялар.....	60
X. Фойдаланилган адабиётлар.....	62
XI. Иловалар ва интернет маълумотлари.....	64

I КИРИШ

Республикаимиз аҳолисини сифатли ва арзон чорвачилик маҳсулотлари билан янада яхшироқ таъминлаш чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, уларни тушимлилигини ва санитария сифатини ошириш катта аҳамиятга эга бўлиб, бузоқлар темираткиси бу масалани самарали ҳал этишга катта тўсқинлик қилмоқда. Уларнинг оқибатида чорвачилик фермер хўжаликларига катта иқтисодий зарар етказилаётган бўлсада бу касалликларни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги кунда ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида касалликларни олдини олишнинг самарали усуллариини ишлаб чиқиш ва амалиётда жорий этиш эҳтиёжини туғдиради.

2008-йили Президентимиз И.А.Каримов томонидан “Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида” қабул қилинган 308- сонли қарори бугунги кунда энг муҳим ўрин тутди. Ушбу муҳим давлат ҳужжати шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларда чорвачиликни биринчи навбатда эса қорамолчиликни ривожлантиришга қаратган, унинг учун эса турли имтиёзлар берилган. Бунга чорвачиликда амалга оширилиб келаётган турли кўринишдаги ислохотларга яққол мисол бўла олади.

2008-2010-йиллардаги даврда шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларда қорамоллар сонини кўпайиши мақсадли параметрларини 2-иловага мувофиқ.

2008-2010-йиллардаги суғориладиган ерлар ем хашак экинларини майдонларини ҳисоблаб чиқилган прогнози 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммаларига

мазкур қарор билан тасдиқланган. Тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ижро этиш юзасидаги шахсий жавобгарлик юклансин.

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, тижорат банкларининг 4-иловага мувофиқ шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларда қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар ажратишни кенгайтириш тўғрисидаги таклифига.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигининг “Ўз наслчилик” корхонасини ишлаб чиқариш қувватлари модернизация қилиш, сервис пунктлари тармоқларини ташкил этиш йўли билан чорва молларни сунъий урчитиш бўйича ўз вазифасини яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, чорвачиликни ихтисослаштирилган фермер ва бошқа хўжалилари, шунингдек паррандачилик корхоналарига ажратилган суғорма ерлар, фақатгина ем-хашак экинлари экиш учун мўлжалланган ва давлат эҳтиёжлари учун пахта ҳамда донли экинлар экишда фойдаланилмайди. Бунга амалга оширилаётган ислохотлари мисол бўла олади.

Республикамиз аҳолисини бозор иқтисодиёти даврида сифатли чорва маҳсулотлари (гўшт, сут, ёғ) ва саноат хом ашёси (тери, жун) билан таъминлашда Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ барча соҳаларда бўлганлиги каби ветеринария соҳасида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Хусусан, 1999-йил 3-сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги чақириғида “Ветеринария тўғрисидаги” қонун тасдиқланган бўлиб 4-5 бўлим, 23 моддадан иборат ва ветеринария хизматининг барча соҳаларига оид ҳар бир мутахассис учун уларни ҳуқуқ ҳамда вазифалари кенг маънода баён қилинган бўлиб асосий қонуний ҳужжат ҳисобланади.

Чорвачиликни ривожлантиришда ҳукуратимиз томонидан бир қатор қарор қабул қилинган.

Ватанимиз босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш бизнинг олий мақсадимиз. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларини чуқурлаштириш фермерлик ҳаракатини қўллаб қувватлаш, моддий ва маънавий баъзасини мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни тўлдириш қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкый муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари мулкдорлар, тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йил 21- январда “2010 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий яқунлари ва 2011-йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига” бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: Юртимизда 2011-йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилганимиздан яхши хабардорсизлар. Биз 2011-йилга бағишланган мақсадларга эришиш бўйича дастурий чора тадбирларни, шу жумладан, хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти эркинликларини ишончли муҳофаза қилиш, кичик бизнес мухитини яратиш, шу асосида аҳоли бандлигини ва фаровонлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз» - деб таъкидлади.

Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Президентимиз Ислон Каримов ўзининг “Юксак маънавият - енгилмас куч” китобида одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама кенг қамровли фикр ва хулоса-

лар орқали таҳлил этиб, “Маънавият-инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир” деб таърифлайди.

Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Президентимиз Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият - енгилмас куч” китобида одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этиб, “Маънавият-инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”, деб таърифлайди.

Бугунги жаҳон молиявий иқтисодий инқирози тўғрисида кўп гапирилмоқда. Дастлаб АҚШ да кўзга ташланган, кейинчалик Европа ва Осиё давлатлари жаҳоннинг бошқа минтақаларида кенгайиб бораётган ушбу инқирознинг мамлакатимизда таъсирини юмшатиш салбий оқибатларини бартараф этиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. 2003-2012 йилларга мўлжалланиб қабул қилинган “Инқирозга қарши чоралар дастури”да тармоқлар ва ҳудудлар бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳукуматимиз комиссияси жойлардаги ҳудудий гуруҳлар томонидан қатъий назоратга олинганлиги айниқса эътиборга сазовордир. Бу жараёнда амалга ошириш зарур бўлган вазифалар Президентимизнинг 2008-йилда мамлакатимиз ижтимоий дастурни энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг ҳам алоҳида қайд этилиб кўрилатган чора-тадбирлар ўзининг дастлабки самарасини бераётганлиги такидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон молявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, 2009 йил асари икки қисмдан иборат.

- Биринчиси - Жаҳон молявий инқирози, Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар;

- Иккинчиси - банк тизимини қўллаб қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизатция қилиш, техник янгилаш ва диверсификатсия қилиш, инноватцион технологияларни кенг жорий этиш-Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги моддаларга чиқишнинг ишончли йўлидир.

Биринчи қисм ечими 7 та бандда берилган.

Иккинчи қисм ечими, мамалакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастури-Ўзбекистоннинг 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари - белгиланган комплекс чора-тадбирлар қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

- Биринчидан - корхоналарни модернизатция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа аввалом бор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштирадиган ишлаб-чиқариш қувватларига тегишлидир.

- Иккинчидан - жорий конъюктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларида рақобатдош бўлишини қўллаб- қувватлаш бўйича конкрет чора-

тадбирлар амалга ошириши ва экспортни рағбатлантириши учун кўшимча омиллар яратиш.

- Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимии жорий этиш, ишлаб – чиқариш ҳаражатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобидан корхоналарни рақобат бардошлигини ошириш.

- Тўртинчидан - электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш.

- Бешинчидан – жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ўсишнинг юқори суратларини сақлаб қолиш.

Юқорида зикир этилган вазифаларни инобатга олган ҳолда, 2009 йилдаги иқтисодий дастуримизнинг иккинчи энг муҳим устувор йўналиши бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттиришдир.

Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа қишлоқ турмуш даражасини юксалтириш қишлоқларимиз қиёфасини ўзгртиришга қаратилган узок муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳмиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликларини ривожини ҳар тамонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Бу глобаллашув режаларининг амалга оширишнинг 4 та принципиал йўналишлари белгилаб берилди.

Бу вазифаларни бажариш учун махсус “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” лойиҳа-тадқиқот институти ташкил этилди ва унинг тўлақонли фаолияти тامينланди.

- 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йили”.

Республикамиз Вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган йиғилишида 2010 йил якунлари 2011 йилдаги вазифалар - мавзусидаги нутқида Президентимиз И.А.Каримов 2010 йилдаги ютуқ ва камчиликлар бўйича барча соҳаларни чуқур анализ қилиб берди. Қишлоқ хўжалигида ялпи ўсиш 8-10% ни ташкил этди. Ана шу анжуманда Президентимиз 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йили” деб атади. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози давом этаётган бир даврда Ўзбекистонда иқтисодий инқирозга қарши тадбирлар қўлланганлиги натижасида мамлакатимизда ҳалқимиз фаровонлигини ошиши давом этди.

2011 йилда биз ветеринария йўналиши битирувчи талабалар олдида куйидаги вазифалар қўйилган.

- Мутахассислик бўйича барча фанларни чуқур ўрганиш ва амалиётда қўллай олиш, кўникмаларига эга бўлиш. Мамлакатимиз ветеринария сервис хизмати олдида қўйилган глобал масалаларни ўрганиш, ва уларни бартараф қилиш тадбирларини ўзлаштириб олиш.

- Чорва молларининг бепуштлиги сабабларини йўқотишдаги асосий омиллардан бири суъний қочириш услублари, технологиясини қўллай билиш.

- Асаларичиликни ривожлантириш бўйича вазирлар маҳкамасининг қарорларини тўлиқ бажариш

- Четдан инфекция кириб келиши йўллари тўлиқ йўқотиш чора-тадбирларини ўзлаштириш

- Мамлакатимизда иқтисодий инқирозга қарши курашиш ишларида фаол иштирок этиш

- Ветеринария ишида бирорта ҳам хато камчиликка йўл қўймаслик.

- Жисмонан, маънавий, маърифий, сиёсий, руҳий, ақлан, касбий, жиҳатдан етук инсон бўлиш каби долзарб масалалар қўйилади.

Ҳақиқатдан ҳам амалга оширилаётган оқилона чора-тадбирлар туфайли жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодий фаолияти таъсири юмшатиляпти. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарнинг қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашни таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган 2003-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури, вазирлар маҳкамасининг шу масалага таълуқли қарорлари бўйича муассаларига тегишли кўрсатмалар берилиб улар томонидан чора-тадбирлар режаси белгилаб олинган.

Хусусан бузоқларда темирлатки касалиги нафақат чорвачиликда катта иқтисодий зарар келтириб қолмасдангина инсонлар ўртасилда кенг тарқалган ўта хавфли инфекцион касаллик бўлиб амалда ветеринарияда тадбирларни режали равишда ташкиллаштириш ва оқилона амалга оширишда биз мутахассислардан талаб этилади. Бу эса бузоқлар темирлатки касаллигига қарши чора-тадбирларини, айниқса дезинфекция тадбирларини ўз вақтида қисқа муддатда ветеринария қонунчилигига амалга оширишда инфекцияни йўқотишда махсус профилактиканинг аҳамияти жуда катта.

1.1. Мавзунинг халқ хўжалигида долзарблиги.

Ўзбекистон иқтисодиёти биринчи навбатда аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган. Чорвачилик эса қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикаимиз аҳолисини сифатли ва арзон чорвалик маҳсулотларини яна яхшироқ таъминлаш, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, уларни тўйимлилиги ва санитария сифатини ошириш катта аҳамиятга эга бўлиб, қорамолчилик хўжаликларида темирлатки касаллиги бу масалани самарали ҳал этишга катта тўсқинлик қилмоқда. Уларнинг

оқибатида қорамолчилик хўжаликларида катта иқтисодий зарар етазилаётган бўлсада бу касалликларни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги кунда ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида касалликларини олдини олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш эҳтиёжини туғдиради.

Дермотомикозлар гуруҳига мансуб бўлган трихофития ва микрокопия касалликларини қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасида жуда кенг тарқалган. Умуман қишлоқ хўжалик ҳайвонларидаги юқумли касалликларнинг 20-28% улуши шу тур касалликларнинг зиммасигатўғри келади.

Дермотомикозлар билан қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан ташқари одамлар ҳам касалланиб, зооантропонозлар гуруҳига кирувчи туркум касалликларидандир.

Ўзбекистон, Россия, Озарбайжон ва Нахи-Чеванда бузоқлар темираткисини ўрганган олимларнинг маълумотлари тахмин қилинса, касалга чалинган бузоқлар касалланиш жараёни даврида 1,7-3,2 кг гача массасини йўқотади.

Касал бузоқларнинг жароҳат жойлари нотўғри даволанганлиги туфайли тери кейинчалик тўғри заводга тушгач, технологик жараёнда тешилиб қолади, терининг товар стандартлиги мутлақо бузилади.

Касал темираткининг жароҳат жойларидан кўзгатувчини ташқи муҳитга ажратиб, экологик муҳитга таъсир этади ва ҳайвонлар учун касаллик кўзгатувчисининг манбаини яратади.

Касаллик касал ҳайвонлардан одамларга юқади ва натижада улар касалланади. Даволаш анча қийин узоқ муддатга чўзилади.

Олдини олиш ва даволаш учун вакцина, дезинфекцияловчи воситалар даволаш препаратларини сотиб олиш зарур. Фермани соғломлаштириш қийин кечади.

1.2. Мавзунинг илмий амалий асослари.

Дермотомикозлар гуруҳига мансуб бўлган трихофития ва микрокопия касалликларини қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасида жуда кенг тарқалган. Умуман қишлоқ хўжалик ҳайвонларидаги юқумли касалликларнинг 20-28% улуши шу тур касалликларнинг зиммасига тўғри келади.

Дермотомикозлар билан қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан ташқари одамлар ҳам касалланиб, зооантропонозлар гуруҳига кирувчи туркум касалликларидандир.

Касал темирлаткининг жароҳат жойларидан қўзғатувчи ташқи муҳитга ажратиб, экологик муҳитга таъсир этади ва ҳайвонлар учун касаллик қўзғатувчисининг манбаини яратади.

Касаллик касал ҳайвонлардан одамларга юқади ва натижада улар касалланади. Даволаш анча қийин узок муддатга чўзилади.

Олдини олиш ва даволаш учун вакцина, дезинфекцияловчи воситалар даволаш препаратларини сотиб олиш зарур. Фермани соғломлаштириш қийин кечади.

Темирлатки билан қорамоллар, қўйлар, экчи, буғи, йилқилар, туя, маймун ва одамлар касалланади. Асосан ёш ҳайвонлар касалланиб йилнинг ҳар қайси фаслларида учраб, қиш ва эрта баҳорда, кеч кузларда кўпроқ тарқалади. Қўшни мамлакатлар маълумотларига асосласак ҳам худди шундай мавсумийлик кўзга ташланади, (Россия, Украина). Бу даврга келиб фермада ем-хашак танқислиги, шамол эсиб туриши, намлик ошиши, ҳароратни пасайиши каби омиллар касаллик юқишини тезлаштиради.

II. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ ВА ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ.

Бузоқлар трихофитияси 1960-йиллардан бошлаб Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг бир гуруҳ олимлари- Ш.Т.Расулов, О.А.Шохназаров, О.А.Бердник, А.Б.Пармонов, М.П.Турдиевлар томонидан ўрганилган. Бу гуруҳ трихофитиянинг этиологияси, эпизоотологияси, патогенези, клиник намоён бўлиши ҳамда баҳоли қудрат диагноз қўйиш усуллари билан шуғулланади. Ишнинг хулосаси сифатида формал квасми вакцина (ўлдирилган) ишлаб чиқилди. Ўша даврда Ўзбекистон ветеринариясини бошқармасининг буйруғи билан носоғлом хўжаликларда синаб кўриш учун ҳам берилди. Худди шу пайтларда ВИЭВ нинг (Москва) антибиотикларини ўрганиш ва микология лабораториясининг илмий ҳодимлари профессор А.Х.Соркисов бошчилигида ўрганиб, кучли иммуногенлик хусусиятига эга бўлган №130 штаммасини ажратиб олдилар. Кейинчалик бу штамма вакцина тайёрлаш учун фойдаланилди. Бу лабораторияда 1970-йилларда келиб, дунё фанида биринчи мартаба аналогик бўлмаган машҳур ТФ-130 (тирик) вакцинаси яратилди. ТФ-трихофитон сўзидан олиниб, 130-эса иммуноген штаммининг ракам номеридир. Штамма лиофилизация қилинган, вакцина ЛТФ-130 деб юритила бошланди.

Самарқанд ва Москва вакциналари бир-биридан мутлақо фарқ қилиб, технологик жараённинг ўхшашлиги йўқ. ЛТФ-130 ишлаб чиқаришга жорий этилди ҳамда дунёнинг кўзга кўринган мамлакатлари – АҚШ, Канада, Япония, Германия, Франция, Англия каби давлатлари патент олиб ишлатдилар. Иммун таначани замбуруғ элементида аниқланганлиги учун Академик, меҳнат қаҳрамони Саркисов А.Х., С.В.Петрович, Никифоров Л.И., Л.М. Яблочниклар Давлат ресстридан утган №278- кашфиётни эълон қилдилар. Иш бошлиғи А.Х.Саркисовга БМТнинг номи ёзилган олтин медали бериди.

Вакцина қўлланилгач, эпизоотик ҳолат кескин ижобий томонга бурилди.

Кейинчалик "С-П-I" (йилқилар учун "Триховис"-қўйлар трихофитиясига, "Камелвак"- туялар касаллигига карши ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

1.Ўзбекистон, Россия, Озарбайжон ва Нахи-Чеванда бузоқлар темираткисини ўрганган олимларнинг маълумотлари тахмин қилинса, касалга чалинган бузоқлар касалланиш жараёни даврида 1,7-3,2 кг гача массасини йўқотади.

2. Касал бузоқларнинг жароҳат жойлари нотўғри даволанганлиги туфайли тери кейинчалик тўғри заводга тушгач, технологик жараёнда тешилиб қолади, терининг товар стандартлиги мутлақо бузилади.

3. Касал темираткининг жароҳат жойларидан қўзғатувчини ташқи муҳитга ажратиб, экологик муҳитга таъсир этади ва ҳайвонлар учун касаллик қўзғатувчисининг манбаини яратади.

4. Касаллик касал ҳайвонлардан одамларга юқади ва натижада улар касалланади. Даволаш анча қийин узок муддатга чўзилади.

5. Олдини олиш ва даволаш учун вакцина, дезинфекцияловчи воситалар даволаш препаратларини сотиб олиш зарур. Фермани соғломлаштириш қийин кечади.

Эпизоотологияси. Темиратки билан қорамоллар, қўйлар, эчки, буғи, йилқилар, туя, маймун ва одамлар касалланади. Асосан ёш ҳайвонлар касалланиб йилнинг ҳар қайси фаслларида учраб, қиш ва эрта баҳорда, кеч кузларда кўпроқ тарқалади. Қўшни мамлакатлар маълумотларига асосласак ҳам худди шундай мавсумийлик кўзга ташланади, (Россия, Украина). Бу даврга келиб фермада ем-хашак танқислиги, шамол эсиб туриши, намлик ошиши, ҳароратни пасайиши каби омиллар касаллик юқишини тезлаштиради.

Бу ҳолат мамлакатларнинг цивилизациясига ўта боғлиқдир. Шунинг учун ҳам темирлатки санитария ҳолати паст ҳўжаликларда жуда ҳам кўп учрайди ва йил давомида рўйхатга олинйб турилади. Озиқлантиришнинг талабга жавоб бермаслиги касаллик кўзғатувчисига ижобий таъсир этувчи турткидир. Касаллик кўзғатувчисининг манбаи касал молдир. А.Х.Саркисов, А.И.Носков, В.П.Королевалар (1956) қорамолларда трихофития йил давомида учраб, асосан қишда кўпроқ, эрга баҳор, кеч куз ойларида ҳам учраб, ёзда жуда камайишини қайд қилиб ўтдилар. Бу ҳолат Украинада ҳам кузатилган ва асосан бир ёшгача бўлган бузоқлар касалланган. Расулов Ш.Т. (1970) Ўзбекистонда ҳам қорамоллар трихофитияси қиш ойларида авжга чиқиб, асосан бир ёшгача бўлган бузоқлар касалланишини уқтириб ўтдилар. Ф.Залиханова, Е.Марининлар (1972) Кабардин Болқор АССР ва Вологда областида куз-қиш ойларида темирлаткининг кучайишини қайд қилиб ўтадилар. Шу билан биргаликда асосан бир ёшгача бўлган бузоқлар касалланишини қайд этадилар. Агарда 1960-1970 йиллардаги темирлаткига бағишланган адабиётларни анализ қилгудек бўлсак, кўп ҳолларда бузоқлар орасида август-сентябр ойларидан бошланиб, қиш ойларида авжга чиқиш қайд қилинади. Касаллик асосан бир ёшгача бўлган бузоқлар орасида рўйхагга олинган. Мавзу бўйича Д.Сайдалиевнинг ҳам хизматлари салмоқлидир.

Йилқилар трихофитияси. Собик мамлакатда 1930 йиллар арафасида йилқилар темирлаткиси кучли тарқаб кетганлиги қайд этилган. йилқиларнинг касалланиши йил давомида кузатилган. Масалан, ипподромларда йилнинг ҳар қандай фаслида учраган, чунки бу ерга йилқилар келиши ҳар фаслда ҳам давом эгаверади. Конзаводларда эса уларнинг қулунлашига боғлиқ. Петрович С.В. ва В.В.Андрюшинлар темирлатки касаллиги билан ҳамма ёшга мансублари касаллансада, асосан

кулунлар мойиллигини ёзадилар. Йилқиларнинг жинси, зоти, рангининг аҳамияти йуқлигини исбот этдилар. Табиий шароитда кулунлар 2-ойликдан бошлаб, касалланади. Касаллик айникса кузда кулунлар орасида кенг тарқалиб авваллари касалланган бия ва отлар касалланган биноларга киритилганда авжига чиққан.

Туялар трихофитияси-туялар чўл ҳайвонлари туркумига кириб, йил бўйича чўлда боқилади. С.Халиловнинг (1987) маълумоти бўйича, касалликнинг тарқалиш сабабларидан бўлиб, бўталоқларнинг касаллар билан контактда бўлиши туфайли ва уларнинг ориқлигини рўқач қилиб ўтади. Айникса бу ҳол бўталоқлар авваллари касалга чалинган туялар сақланган жойга ҳайдаб кирилса яққол кўзга намоён бўлади. Бўталоқларнинг касалга чалиниши октябр ойларига тўғри келиб, бу пайтда улар 5-6 ойлик бўлади. Юқоридагилардан катта ёшдага туялар трихофития билан касалланмайди деган хулоса чиқмайди. Айрим ҳолларда 2-3 ёшдагилар ҳам тез-тез касалга чалинади. Бизлар “Мингбулоқ” кишлоғида 3 яшар туянинг ўта оғир трихофитияга чалинганлигининг гувоҳимиз. М.Азимов (1961) зебуларнинг касалланишини рўйхагга олиб, асосан бир ойлигидан бир ёшгача бўлганлари касалга мойил деб уқтиради. Нутриялар ва бошқа мўйнали ҳайвонлар орасида ҳам темирятки жуда тез тарқайди. Қиска муддат ичида касаллик 70-80 фоизгача тарқаб, катта иқтисодий зарар етказади. Бундай бўлишига асосий сабаб, улар клеткаларда очиқ ҳавода сақланганлиги туфайли бу даражада тарқамаслиги ҳам мумкин.

Қуёнлар орасида ҳам касаллик кенг тарқалиб, айрим ҳолларда 86-93 фоизгача етади. Бу ерда асосан ёш қуёнчалар касалланиб, баҳор-ёз ойларига тўғри келади. Айрим маълумогларни инобатга олсак, қиш ойларида ҳам кўп учрайди (Л.Никифоров). Темирятки билан кемирувчилар ҳам касалланиб, айрим ҳолларда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун касаллик қўзғатувчисининг манбаи ҳам бўлиши мумкин.

Касалликнинг қўзғатувчилари. Касаллик қўзғатувчилари замбуруғлар бўлиб *Tr.Verrucossum*, *N.Egvirum*. *M. Egvirum*, *M. Canis*. *Tr. Mentagrophutes*, *T. Sarcisovi*, *T. Verrucosum var. Autotrophucum*, лар ҳисобланиб, бино ва молхоналарда бир неча йиллаб яшай олади. Ёғоч охур, панжара, эшик, ўтин ва идишлар четида 2-3 йиллаб бемалол вирулентлигини сақлаган ҳолда яшайди. Юқоридаги кўрсатилган замбуруғлар ҳар хил ҳайвонларда касаллик чақириб, умумий хусусиятларга эга бўлсада, бир-биридан кўп жиҳатлари билан фарқланади. Касал ҳайвонда келтирилган материал микроскоп тагида текширилганда, артроспоралар зарарланган жун толаси атрофида катор ёки тартибсиз жойлашган ярим ялтироқ думалоқ, доирасимон шарикчалар шаклида намоён бўлади.

III. ХУСУСИЙ ТАДҚИҚОТЛАР.

3.1. Темиратки касаллигининг хусусияти. Бузоқлар темираткиси.

Дермотомикозлар гуруҳига мансуб бўлган трихофития ва микрокопия касалликларини қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасида жуда кенг тарқалган. Умуман қишлоқ хўжалик ҳайвонларидаги юқумли касалликларнинг 20-28% улуши шу тур касалликларнинг зиммасига тўғри келади.

Дермотомикозлар билан қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан ташқари одамлар ҳам касалланиб, зооантропонозлар гуруҳига кирувчи туркум касалликларидандир.

Ўрганилганлик даражаси. Бузоқлар трихофитияси 1960-йиллардан бошлаб Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг бир гуруҳ олимлари Ш.Т.Расулов, О.А.Шохназаров, О.А.Бердник, А.Б.Пармонов, М.П.Турдиевлар томонидан ўрганилган. Бу гуруҳ трихофитиянинг этиологияси, эпизоотологияси, патогенези, клиник намоён бўлиши ҳамда баҳоли қудрат диагноз қўйиш усуллари билан шуғулланади. Ишнинг ҳулосаси сифатида формал квасми вакцина (ўлдирилган) ишлаб чиқилди. Ўша даврда ўзбекистон ветеринариясини бошқармасининг буйруғи билан носоғлом хўжаликларда синаб кўриш учун ҳам берилди. Худди шу пайтларда ВИЭВ нинг (Москва) антибиотикларини ўрганиш ва микология лабораториясининг илмий ҳодимлари профессор А.Х.Саркисов бошчилигида ўрганиб, кучли иммуногенлик хусусиятига эга бўлган №130 штаммасини ажратиб олдилар. Кейинчалик бу штамма вакцина тайёрлаш учун фойдаланилади. Бу лабораторияда 1970-йилларда келиб, дунё фанида биринчи мартаба аналогик бўлмаган машҳур ТФ-130 (тирик) вакцинаси яратилди. ТФ-трихофитон сўзидан олиниб, 130-эса иммуноген штаммининг ракам номеридир. Штамма лиофилизация қилинган, вакцина ЛТФ-130 деб юритила бошланди.

Самарқанд ва Москва вакциналари бир-биридан мутлоқ фарқ қилиб, технологик жараёнинг ўхшашлиги йўқ. ЛТФ-130 ишлаб чиқаришга жорий этилди ҳамда дунёнинг кўзга кўринган мамлакатлари – АҚШ, Канада, Япония, Германия, Франция, Англия каби давлатлари патент олиб ишлатдилар. Иммуни таначани замбуруғ элементида аниқланганлиги учун Академик, меҳнат қахрамони Саркисов А.Х., С.В.Петрович, Никифоров Л.И., Л.М. Яблочниклар Давлат республикадан ўтган № 278- қашфиётни эълон қилдилар. Иш бошлиғи А.Х.Саркисовга БМТнинг номи ёзилган олтин медали бериди. Вакцина қўлланилгач, эпизоотик ҳолат кескин ижобий томонга бурилди.

Кейинчалик "С-П-І" (йилқилар учун "Триховис"-қўйлар трихофитиясига, "Камелвак"- туялар касаллигига қарши ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

1.Ўзбекистон, Россия, Озарбайжон ва Нахи-Чеванда бузоқлар темирлатқисини ўрганган олимларнинг маълумотлари тахмин қилинса, касалга чалинган бузоқлар касалланиш жараёни даврида 1,7-3,2 кг гача массасини йўқотади.

2. Касал бузоқларнинг жароҳат жойлари нотўғри даволанганлиги туфайли тери кейинчалик тўғри заводга тушгач, технологик жараёнда тешилиб қолади, терининг товар стандартлиги мутлақо бузилади.

3.2. Темирлатқи касаллигининг эпизоотологияси.

Касаллик йил давомида руйхагга олинади, лекинда қиш ойлари авжига чиқиб, ёзда камаяди. Касалликнинг келиб чиқишида озиқлантириш, зич ва нам ярим қоронғу жойларда сақланиши каби омиллар катта аҳамиятга эга. Клиник усулда эса, касалликнинг клиник белгилари инобатга олинади. Ҳал қилувчи усул бўлиб, микология текшириш натижалари ҳисобланади.

Патматериал касалга чалинган молнинг жароҳат тушган жойидан олинади. 8-10 дона зарарланган жун толасидан олиб, тагига қора қоғоз қўйилган ойнага устига жойлаштирилади. Кейин эса буюм ойначасига жойлаштирилиб, 10-15 фоиз ишқор эритмасидан томизилади ва енгил қиздирилади. Микроскоп тагида текшириб артроспораларнинг жойлашишига эътибор берилади.

Юқорида қайд этилган муҳитларга экилиб ўстирилади ва ўсиш жараёнининг қай хиллиги инобатга олинади

Эпизоотологияси.

Даволаш учун “Триховис” аттеунировон тирик вакцинаси яратилди. Вакцина тасдиқланди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Касалга қарши кураш ва уни йўқотиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Этиологияси (қўзғатувчиси).

Касаллик қўзғатувчиси замбуруғ бўлиб *Tr. Verrucosum* var. *Autotrophycum* дир, ташқи муҳитда кенг тарқалган ва узоқ муддат яшайди. Айниқса қўйхоналар шароитида 2-3 йиллаб бемалол яшай олади. Қўзғатувчисининг ҳамма хусусиятлари, диагноз бўлимида батафсил ёритилади. Шунинг учун ҳам бу ерда тўхтаб ўтирилмайди.

Эпизоотологияси.

Темиратки қўйлар орасида йил давомида рўйхатга олиб турилади, лекин касаллик қиш ойларида кўпроқ учраб ёз ойларида анча камаяди. Қўзиларнинг касалланиши она қўйлардан ажратилган даврда бошланиб (отбивка). Кўп миқдорда касалланиш декабр ва март ойларида тўғри келади. Касалликни тарқалишига яйлов ҳолатини ҳам аҳамияти бор.

Агарда яйловда қурғоқчилик бўлиб, ўт-ўланлар кам бўлса касаллик авжига чиқа бошлайди. Хўжаликларнинг (АСП) лечеб. Стан. Пунктларида фермалардан нимжон қўй қўзилар тўпланиши туфайли касалланиш анча ошиб кетади. Темираткини ҳам олди олиниб даволаш ўтказилмаса у авжига

чиқаверади. (15-20%) касал кўзгатувчисини манбаи бўлиб касал қўйлар ҳисобланади. Бўрдоқчилик хўжаликларида эпизоотик ҳолат бироз фарк қилади. Биринчидан бу жойга касалланиши кўпроқ бўлиб, аввал касалланган бўлса, ҳамма ёшдагилар ҳам касалланаверади. Умумий миқдор юқори бўлади.

Касал тарқатувчи омиллардан идиш, асбоб анжом ва ҳоказолар ҳисобланади. Табиатда замбуруғ кенг тарқалган, касал тарқалишига маълум даражада ёввойи ҳайвонлар ҳам катта роль ўйнайди.

Патогенези.

Дермотофитозларда асосан тери эпидермиси зарарланади. Патологик жараён лейкоцитар инфильтрацияларнинг фолликулалари яллиғланиши билан бошланади. Кўзгатувчи тушгач устки қавати қизаради, капсула пайдо бўлиб, кейин пуфакчага айланади.

Замбуруғ терининг шохсимон қаватида ривожланиб, протеолетик ва кератолетик фермент ажратади. Бу эса ўз навбатида шохсимон қаватга таъсир қилиб, уни эритади. Замбуруғ мицелияси жун толаси ичига кириб боради. Натижада яллиғланиб, экссудат ҳолати номоён бўлади. Шохсимон ва эпидермиснинг устидаги тангачасимон ўзгаришлар пайдо бўлади. Тери устига пайдо бўлган шилимшиқ модда чанг ва ифлосликлар тушиши туфайли, қаттиқ қоплам ҳосил бўлади. Аста секин жун толаси қуриб синиб қолади ва фолликулалар зарарланади. Чуқур микозларда, секретия безларини ҳам қамраб олади. Токсин таъсирида ва яллиғланиш натижасида иккиламчи моддалар пайдо бўлиб қичиштиради. Юзаки микозларда эса эпидермис ва жун фолликуллари зарарланади. Темираткининг ривожланишида терининг бир бутунлиги катта аҳамиятга эга.

3.3. Касаллик диагностикаси клиник белгилари.

Касалликнинг яширин даври 1-3 ҳафта давом этиб, юзаки, чуқур, фолликуляр ва диссинирован ҳолатларда кечади.

Юзаки кечиши. Кўпинча бош қисмининг жуни калта жойларида темиратки доғлари бўлиб 1x1,5 см, 1x1,5-2 см доира ёки айлана шаклларида бўлади. Доғлар кўп ҳолларда, тумшук, бурун ва қулоқлар баъзида тананинг бошқа жойларида учраши мумкин. Айрим ҳолларда юзаки кечиш чуқур ва бошқа шаклларда кечиши мумкин.

Чуқур (фолликуляр) ҳолати.

Темиратки доғлари бош қисми ва тананинг бошқа участкаларида ҳам учрайди. Чегараланган ёки қўшилиб ёйилиб кетган темиратки доғлари кўкимтир-яшилсимон, абсессимон (кепаксимон) қоплама билан қопланган бўлади.

Жароҳат жойи чанг ва бошқа ифлосликлар туфайли, аста-секин йиринг чақирувчи микроорганизмлар тушиши натижасида йиринглаб кетади. Яқиндан қаралса, қўланса ҳид сезилади. Темиратки доғининг юзасидаги жунлари қирқилиб тушгандек бўлади. Айрим ҳолларда доғларнинг ўртаси қайнаб чиққанга ўхшаб кўринади ва кўзга ташланади. Сур рангли кўйларда баъзисида темиратки бирданига кўзга ташланмайди. Кўпинча жароҳат тананинг жуни ўсиқ жойларида бўлса қирқимдан кейин бирдан кўзга ташланади. Юз қисмида бошланаётган темиратки доғи аста-секин юзанинг кўп қисмида тарқалиши мумкин. Баъзида қулоқ супрасининг юзаси тўлиқ қопланиши кузатилади. Жуннинг ялтироқлиги пасайиб тез синадиган бўлади. Диссемирован шакли эса кўпинча баҳор охирлари ва куз бошланишидан олдин бошланади.

Жароҳат усти абсессимон қоплама билан қопланган бўлиб айланма ва думалоқ шаклларда бўлади. Жуни калта жойларида кепаксимон қозғоқ билан қопланади.

3.4. Темиратки касаллигининг лаборатория диагностикаси.

Трихофитияларнинг ўзига хос ўсиши 20-25 кундан кейин бошланади. Бошланғич ўсиши оқ ранг, ингичка ва чўзиқ колониялар, четлари ипсимон ва

юзаси момиқ баҳмал кўринишида бўлади. Шу билан бир қаторда бўртган ва юмшоқ ёки яраси ёйилган баъзан эса диаметри 5-7 мм дан 10-25 мм гача келадиган чўзиқ, япасли оқ рангдаги момиқ баҳмал колониялар шаклида ўсади четлари текис ўсган бўлади.

Замбуруғлар микроструктураси.

Мицелий тўғри, эгилган, септик, буралган тароққа ўхшаш бўлиб узунлиги 3 мкм дан 5,9 мкм гача етади. Кўпгина яккам-дуккам артрспоралари ёки артрспораларга 2 мкм ҳажмдаги айланаётган мицелий каби кўзга ташланади. Микроконидийлар 1,5-5 дан 2-5х7 мкм гача ҳажмдаги думалок, ноксимон, калтаксимон тузилишда кўринишида бўлади. Улар чўзилган четлари кесик ва битта тўсиқлик урчиқсимон, чўзиқ ёки нотўғри шаклда 3,6-15-25 мкм ҳажмда кўринади. Шунингдек, 7х8 дан 13х80 мкм гача катталиқдаги яккам-дуккам термимал ва интерколяр хламидоспоралар ҳам кўзга ташланади. Баъзан диаметри 10-12 мкм артрспоралари парчаланувчи йўғонлашган мицелийлар ҳам кўзга ташланади.

Кўйлар трихофитиясининг кўзгатувчи эпизоотик штаммлари турғун културал морфологик ҳолатга эга эмасдир. Юқорида тасвирланган морфологик ҳоллардан ташқари оч жигарранг ёки жигаррангроқ япаски терисимон кўринишдаги шунингдек кулранг оқимтир майда тарамли ва момиқ баҳмал кўринишдаги колониялар тарзида кўзга ташланади.

Сариқ ва жигарранг терисимон колонияларнинг конидиал спораси бўлмай ва фақат диаметри 2,5 мкм бўлган артрспораларга бўлинувчи ингичка ёки йўғон мицелийлардан иборат бўлади. Майин колониялардан асосан якка микроколидиялар бўлган лекин кўпинча аспороген мицелийлардан ташкил топган бўлади. Оқ момиқли нусхалардан иборат яккам конидиал спора ташувчилар лаборатория шароитида организмларнинг сақлашни ва спора чақиришни қийинлаштиради.

Сарғиш ва жигарринг, терисимон колониялар ҳам қила олмаслиги билан тавсифланади. Колониялар спора қила олмаслиги билан тавсифланади.

Ва улар диаметри 2,5-6 мкм артроспораларга бўлинувчи ингичка ёки мицелийлардан иборат бўлади. Момиқли колониялар асосан яккам микрокоидиялар бўлган лекин кўпинча аспорогенни мицелийлардан иборат бўлади. Оқ момиқ вариантларнинг заиф конидиал споралари штаммларни лаборатория шароитида сақлаб туришни ва споралар қилишни қийинлаштиради.

Шуни таъкидлаш керакки, 7 ой давомида кузатиш муддати. Сусло агарда сақланган замбуруғлар 2-3 ой бир марта қайта экилган сарғиш ва жигарранг терисимон вариантлар ўстириш шароитида артроспораларнинг кўп ҳосил қилиш қобилиятини сақлаб қолади.

Замбуруғ штаммларининг морфологик таснифи ва уларнинг ривожланиш динамикаси.

Касал қўйлардан ажратиб олинган штаммлари ўзига хос алоҳида културал белгиларга эга бўлади. Ана шу белгилар асосида уларни учта асосий хилларга ажратиш мумкин. Улар шу сусло-агарда кўпидан морфологик колонияларни ҳосил қилади.

1. Паст бўйли мумсимон жигарранг яккам-дуккам микроконидиялари бўлган ингичка мицелийлар.

2. Оч кулранг, момиқли заиф ингичка терисимон колониялар ингичка ва йўғон мицелийлар фақат хламидоспоралар билан споралар ҳосил қилади. Баъзан изолятларда мицелий йўғон ва ингичка бўлади йўғон мицелий шишлар билан аниқ кўринади.

3. Оқ омиқ колониялар. Оралиқ шишлар бўлган ингичка эгри бугри ва тўғри мицелийлар. Эркин артроспораларнинг ўлчами 6,6-8,6 мкм дан иборат. Хламидоспоралари терминал 4,5 мкм гача ва оралиғи 6,0 мкм. Кўпинча шакли, гўё ёнбошлари чуқурчадек, кўнғир қийшиқ бўлади. Бир вақтнинг ўзида экилганда ва кузатилганда замбуруғларнинг барча элементлари ёки фақат турли йўғонликдаги мицелийлар яккам-дуккам микроконидиялардан

иборат. Буғи шохида ўхшаш терминал ўсимталари бўлган ингичка ва йўғон мицелийда штаммлар борлиги аниқланган.

Замбуруғларда барча элементлари бўлган штаммлар иккинчи қайта экилган кейин бир неча кун ўтгач, микроконидияларда ёнбош ўсимталар пайдо бўлади. Наниз мицелийларнинг парчалари ва артростпораларга бўлинаётган мицелийлар ёнбош ўсимталар ҳосил қила бошлайдилар. Хламидостпоралар бир неча кундан сўнг ҳам осойишта ҳолатда бўладилар. Замбуруғ ҳужайралари суспензиялари экиндан кейин 4 кеча кундуз ўтган мицелийни икки хил ривожлана бошлайди. МПГА.га экилганда 5 кеча кундуздан кейин мицелийнинг икки хили ривожланади. Қўшимчали ва картошка агаридан ингичка ёнбош ўсимталари билан 3-5 мкм кенг тўғри йўғон мицелийлар кузатилади. Сабуро ағарида ингичка эгри-бугри мицелий ривожланади. Ўсиб чиқаётган хламидостпоралар ва артростпоралар кузатилади. Кўпчилик бошланғич ўсимталар учунчи кеча кундузда артростпораларга бўлинаётган мицелийларига кўзга ташланади.

МПГА.га бешинчи кеча кундузда ёнбош ўсимталари бўлган йўғон мицелийлар ҳосил бўлади. Артростпора экилганда иккиламчи штаммнинг споралари бўлиниши 10мкм гача яккам-дуккам чўзинчоқ микроконидиялар пайдо бўлиши билан тавсифланади. 14 кеча кундузда икки хилдаги мицелийлар кузатилган ингичка ва йўғон барча турдаги спора ташувчи ёки ингичка мицелий ва яккам-дуккам микроконидияларнинг кўплаб ҳосил бўлиши кузатилади. Баъзи изолятларда хламидостпоралар Артростпораларга бўлинувчи ингичка эгри-бугри ва йўғон мицелийлар мавжуд. 45-кеча кундузда йўғон ва ингичка тўғри ва эгри-бугри тўсиқли ва шишли мицелийлар, хламидостпоралар, артростпоралар аниқланган.

Лаборатория ҳайвонларида касалликни чиқариш усули.

Ўз-ўзидан касалланган ҳайвонлардан ажратиб олинган дерматофитларнинг, тирик штаммларнинг касал кўзгатиш хусусиятини ўрганиш ва аниқлаш учун уларни лаборатория шароитида ҳайвонларга

юктириб ўрганилади. Ҳозирги пайтда тери устига ва кўк томирга (вена) дермотифитларни юбориш услублари қўлланилади. Аммо касал юктиришнинг тери усти юктириш услуби энг маъқул ва ишончли услуб ҳисобланади. Касал юктириш учун ажратиб олинган замбуруғларнинг штаммларидан фойдаланилади. Ўсиш бошлангандан кейин 21-25 кун ўтгач ўсишнинг софлиги микроскоп орқали тасдиқланган 30-50 мл стерил физиологик эритма қуйиб замбуруғ элементларининг суспензияси тайёрланади.

Танлаб олинган изолятнинг касал кўзғатувчиси ва юктириш хусусиятлари денгиз чўчкалари ва қуёнларда олиниб ўрганилади. Аввало ҳайвонларнинг териси текширилиб чиқилади. Унда ҳеч қандай ўзгариш сезилмагач 3-5 см тери юзаси қум қоғоз билан то чакка бўлгунича қиртишланади. Шундан кейин олдин тайёрланиб қўйилган спораси энг кўп 10 млн/мл бўлган замбуруғ суспензияси қиртишланган жойда суртилади. Ҳамда патологик жараён ҳар куни кузатиб борилади ва 10-12 кундан кейин ҳайвонни ўша жойидан қирилган наъмуна микроскопда текширилади.

Касаллик юққандан кейин 2-5 кун ўтгач тери бир оз шишади ва қизаради. 10-12 кунда майда кулранг қизғиш пуфачалар патологик жараён ривожланган сари эса оқиш кулранг тангачалар пайдо бўлади айрим ҳайвонларга тоштахта (асбестга) ўхшаган, қаттиқ баъзан қонталаш пўстлар пайдо бўлади ва уларни терисидан кўчириб олиш жуда қийин бўлади. Яна шу нарса аниқланадики уларнинг патологик хусусиятлари бир хил эмас темиртки кўриниши ҳар хил.

Касаллик тури.	Этиологияси.	Клиник кўриниши.	Охирги диогноз.
Дерматит.	Химиявий ва бошқа омиллар	Тери яллиғланади, лекин тошма бўлмайди. Сабаби жароҳат клиник токсик медикаментоз ва токсик моддалар таъсири эластиклик	Клиник номоён бўлиши инобатга олинди

		бузилмайди. Терилар ёрилади яра бўлади. Некротик учок бўлиб зардоб йиринг аралаш эксудат кузатилади	
Трихофития.	Замбуруғ.	Ҳайвонлар организмни тери қисмини юзаки ёки чуқур ҳолатда темиртки доғлари пайдо бўлади. Айланма думалоқ шаклларда бўлиб кепаксимон қоплама билан қопланади. Жун толаси синиб тушади.	Замбуруғ кузатилади.
Қўтир.	Каналар.	Терида майда тугунча ва куртакча ва пустикулалар пайдо бўлади. Ўткир кечганда кучли қичитма кузатилади. Қушхоналрда пайдо бўлиб жун тушиб кетади. Кучли қичиб каттиқ хориш тутати.	Каналар излаб топилади
Экзема.	Тери копламининг юқумсиз яллиғланиши	Терининг сўрғич экториал ва ретикуляр кавшлари яллиғланади. Босқич билан кечади, қизаради шишади. Тугунча ва пуфакчалар пайдо бўлади. Юзи хўл бўлиб оғрик сезади.	Клиник намоён бўлиши инобатга олинади.

Касалликнинг қўзғатувчилари асосан суслло-агар, гўшт- пентанин 2% глюкоза қўшилган МПГА ва сабуго агарларида яхши ўсиб, 3-4 ҳафтадан кейин оқимтир момиқсимон колониялар пайдо қилади. Замбуруғлар тури ва ҳайвоннинг турига қараб улар экилганда терисимон жигарранг, сарғиш, момиқ ҳолатида бўлиб ўтади. Ажратилганда эса микроконидий ва хламидоспораларнинг ҳолатига қараб фарқланади.

Патогенез. Патогенез асосида замбуруғ-қўзғатувчининг тери ва унинг мугуз қисмига таъсири етади. Патологик жараён лейкоцитар инфильтрацияларнинг фолликулалари яллиғланиши билан бошланади. Замбуруғ тушган жойда терининг устки қавати қизаради, капсула пайдо

бўлиб, кейин пуфакчага айланади. Замбуруғ терининг мугуз қаватида ривожланиб, протеолетик ва кератолетик фермент ажратади. Бу эса ўз навбатида мугуз қаватга таъсир қилиб, уни эритади. Натижада замбуруғ мицелияси жун толасини фолликуласига кириб боради. Замбуруғ кирган жой яллиғланиб, экссудат ажралади. Мугуз ва эпидермис қаватини табиий ҳолати бузилиши натижасида тангачалар пайдо бўлади. Шилимшиқ моддалар тери устига чанг ва бошқа ифлос нарсалар тушиши натижасида қотиб, қаттиқ қоплам ҳосил бўлади. Жун толаси куриб, сина бошлайди. Токсин таъсирида ва яллиғланиш натижасида вужудга келган иккиламчи моддалар терини қичитади. Юзаки микозларда патологик жараён терининг эпидермис қаватида бўлиб, жун ва унинг фолликуллари зарарланади. Чуқур микозларда эса зарарланиш терининг ҳамма қаватларига ўтиб, секреция безларини ҳам қамраб олади. Йиринг пайдо қилувчи микроблар тушиши. оқибатида йирингланган жой ҳосил бўлади. Темирлаткининг патогенезида терининг бир бутунлиги катта аҳамиятга мойил. Жараҳотланиш туфайли терида бўшаш ва ивиш жараёни рўй беради. Натижада тери тўқималарининг резидентлиги пасайиб, замбуруғнинг организмга тушиб жойлашиши тезлашади. Бундан ташқари, жароҳат қон ва тўқима орасидаги тўсиқни бузади. Замбуруғ элементлари жароҳат ўчоғидан қон ва лимфага ўтиб бутун организмга тарқалади. Бу эса ўз навбатида лейкоцитоз ва моноцитозни келтириб чиқаради.

Клиник белгилари. Асосан бузоқлар тўғрисида баён этилади. Касалликнинг яширин даври 1-4 ҳафта давом этиб, унинг намоён бўлиши ҳайвонлар организмга замбуруғнинг вирулентлиги тушган жойлигига ва йил мавсумига боғлиқ. Касаллик юзаки, чуқур, фолликуляр ва атипик ҳолатларда рўёбга чиқади. Қорамолларда терининг устки қисмида айланма, доирасимон шаклларда темирлатки доғлари пайдо бўлади. Бу доғлар тананинг бош қисмида, кулоқ, бўйин, елка, қорин, оёқларда учраши мумкин. Унинг шакли ва катта-кичиклиги ҳар хил бўлади. Дастлаб терида қаттиқроқ, кичик

бўртмачалар вужудга келади, кейинчалик улар бир оз шишинқираган доғлар шаклини олади. Унинг усти тангачалар билан қопланиб, кепаксимон юза ҳосил қилади. У сарғиш, яшил кўкимтир рангга киради. Жун толалари синиб тушади. Чуқур микозларда жароҳатланган жой кучли яллиғланиб, экссудат ҳосил бўлади. Жароҳатланган жой босиб кўрилганда ёриқлардан йилтираб йиринг чиқа бошлайди. Бу ҳолат кўпгина иқтисодий аҳволи паст, санитария талабларига жавоб бермайдиган фермаларда кузатилади.

Йилқиларда асосан касаллик тананинг тери қисмида думалоқ доғлар пайдо бўлиши билан кечади. Жароҳат тананинг ҳар қандай қисмида учраб, усти кўкимтир тангачалар билан қопланиб, юзаси кепаксимон бўлади. Чуқур микозларда қаттиқ пўстлоқсимон юза ҳосил бўлади. Микроспория ва чуқур микозларда жароҳатланиш жойи бироз шишиб бўшашади ва йиринглайди..

Туяларда темиртки доғлари кўпинча тананинг бош қисмида бўлиб, юпқа тангачалар билан қопланиб, доирасимон ёки айланма шаклда учрайди. Жароҳат аста-секин тананинг бошқа қисмларига ҳам тарақалади. Зарарланган жойларда жун ўзининг майинлик ва йилтироқлик ҳолатини йўқотади, сина бошлайди. Бўталокларда жароҳатланган жой қичишади, асоратли кечганда эса бўталок ўлиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатни биз ВИЭВ ходимлари билан “Мингбулоқ” қишлоғида кузатганмиз. Темиртки шимол буғуларида ҳам учраб асосан бош қисми зарарланади (Э. Берадаев, Л. Иванова, 1971). Жароҳатланган жой жуни хурпайиб, сина бошлайди ва тўкилиб кетади. Ишчи буғуларда кўпинча орқа оёқлар жароҳатланиб, темирткига ўта мойил бўлади. Буларда ҳам юзаки ва чуқур лейкозлар учрайди. Зебусимон молларда касаллик юзаки ва чуқур микоз ҳолатида кечади, темиртки доғлари тананинг бош қисмидан бошланиб, кейинчалик ҳамма жойга тарқалади.

Нутрияларда гиперемия бўлиб, тери қалинлашади ва қазғоқ ажралиб туради. Кейин экссудат ажралиб, қалинлашган пўстлар пайдо бўлади.

Қуёнларда кўпинча бош қисми ва тумшуклари зарарланиб, 10—15 кун ўтгач, бошқа жойларга тарқалади. Кейинчалик генерализация ҳолатига

айланади. Айрим ҳолларда кичик темиртки доғлари ўзаро қўшилиб, катталашиб кетади ва тананинг каттагина қисмини эгаллаб олади.

Диагноз. Касалликка диагноз комплекс текшириш усули билан қўйилади. Бунда эпизоотологик маълумот, касалликнинг клиник белгилари ва микологик текшириш усуллариининг натижалари инобатга олинади.

Эпизоотологияси. Касаллик йил давомида қайд қилинади, лекин қиш ойларида авжига чиқиб, ёзда камаяди. Касалликнинг келиб чиқишида молларни озиклантириш, зич ва нам, ярим қоронғи жойларда сақлаш каби омиллар катта аҳамиятга эга. Клиник усулда эса касалликнинг клиник белгилари ҳисобга олинади. Микологик текшириш натижалари ҳал қилувчи усул ҳисобланади.

Патологик материал ва уни саралаш. Патматериал касалга чалинган молнинг жароҳат тушган жойидан олинади. 8-10 дона зарарланган жун толасидан олиб, тагига қора қоғоз қўйилган ойнага устига жойлаштирилади. Кейин эса буюм ойначасига жойлаштирилиб, 10-15 фоиз ишқор эритмасидан томизилади ва енгил қиздирилади. Микроскоп тагида текшириб агроспораларнинг жойлашишига эътибор берилади.

Юқорида қайд этилган муҳитларга экилиб ўстирилади ва ўсиш жараёнининг қай хиллиги инобатга олинади.

Иммунитет. Темиртки билан касалланган молларда иммунитет пайдо бўлиши бундан 20 йил бурун исботланди. Аввал ТФ-130, кейинчалик ЛТФ-130 вакцинасининг амалда қўлланилиши бу борадаги фикр ва мулоҳазаларни қатъий тасдиқлади. Бу соҳадаги катта кашфиётни академик А. Х. Саркисов ВиЭВ да асослади ва бошқарди. Юқорида қайд қилинган вакцинадан кейин ўша ташкилотнинг ўзида олдинма-кейин “Ментавак” — мўйналар учун, «триховис — қўйлар учун, “Камелвак” — туялар учун, С-П-1 — йилқилар учун ишлаб чиқилди ва жорий қилинди.

Вакцина. Қорамоллар темирткисининг олдини олиш ва даволаш учун ЛТФ-130 вакцинаси қўлланилади. Вакцина қуруқ ҳолатда чиқарилиб, 10, 20,

40 дозалик бўлади. Унга эритиш учун махсус суюқлик бирга қўшиб берилади. Бундай эритма берилмаган бўлса, стерил ҳолатдаги физиологик эритма ишлатилади, профилактик дозаси 1—4 ойлик моллар учун 5 мл, 4—8 ойликлар учун 6 мл, 8 ойликдан юқорилар учун 10 мл. Вакцина 10—14 кун оралиғида икки марта юборилади. Иммуниетет 1 йилга чўзилади, кейин касалликка чалинмайди.

Даволаш. Даволаш учун ЛТФ-130 вакцинаси худди юқоридаги схемада, лекин дозасини 2 хисса ошириб юборилади. Мол оғир касалланган бўлиб, тез тузалавермаса, даволовчи дозада учинчи марта вакцина юбориш мумкин.

А) Ишқор формалин аралашмаси (7,0 ишқор, 7мл формалин, 7мл сув, 79,0 вазелин). Бу аралашма ҳар 5-6 кунда бир марта суртилади: ҳавонинг иссиқ пайтларида кутилган натижага эришилади. Қўйлар учун эса таркиб 50% га камайтирилади. Ишлатишдан олдин яхшилаб аралаштирилади.

Б) 1-1,5% юлғуннинг пахта мойидан ёки балиқ мойидаги аралашмаси аввалги юлғун яхшилаб келичада эзилади. Йилнинг ҳамма фаслида натижа талаб даражасида.

В) "ЯМ" мойи ҳар 5-6 кунда жароҳат жойига суртилади.

Г) Кафедра талабалар кружоги қатнашчилари маҳаллий ресурслардан прополисинг 10-15% аралашмаси ҳамда ёнғоқ пўстлогининг 10% ли аралашмасини қўллаб ҳам яхши ижобий натижага эришиляпти.

Темираткини даволашда жароҳат жойини ҳар хил ўткир асбоблар билан қириб ташлаш мумкин эмас. Чунки бунда жароҳат кучаяди ва атроф муҳит яъни экологияни мувозанати бузилади. Қайнаб турган мой билан куйдириш таъқиқланади. Чунки жароҳат жойи теварагидан замбуруғлар қотиб қийин битадиган яра пайдо бўла бошлайди. Заводга тушгач, тери стандартлиги даражалари бузилади ва носоғлом ҳолатга келади.

Қўйлар темирatkиси.

Қўйлар темирatkиси- юкумли замбуруғ чақирадиган касаллик, бўлиб танани тери қисмида темирatkи доғларининг пайдо бўлиши билан кечади. Жун ўсиқ бўлганлиги туфайли темирatkи жароҳати кўзга ташланавермайди. Темирatkи билан одамлар ҳам касалланади.

Тарихий маълумот.

Биринчи маротаба 1887-йили И.Ковалевский қўйларнинг темирatkиси тўғрисида маълумот берган, кўзи атрофида 50% касаллар кузатилиб асосан тумшуғи ва кўз атрофларини жароҳатланганлигини баён этади. Бундан кейин Н.Багданов, В.Чернаклар ҳам худди шундай касаллик тўғрисида тўхталади. 1956 йили Е.Прохорова СНТ мамлакатларида қўйларнинг темирatkиси тўғрисида маълумот беради. А.А.Байко, 1964 Кавказ ва Ўрта Осиё республикаларда қўйларнинг жуда кўп темирatkи билан касалланишини уқтиради. В.Шаропов 1962-1963 йил Ўзбекистон қатор қорақўлчилик совхозларида темирatkи тарқалганлиги тўғрисида баённома эълон қилади. Кейинги пайтларда Англия, Франция, Испания, Марокко, Греция, Эрон, Африка, Португалия мамлакатларда учраб турганлиги тўғрисида ахборот бор. Узоқ йиллар мобайнида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, темирatkи мамлатимизнинг қатор хўжаликларида учраб туриши кўрсатилган. Қўйлар темирatkиси фундаментал равишда Самарқандда ўрганилди ва уни дунё тан олди.

Самарқанд Қишлоқ хўжалик институтида қўйларнинг темирatkиси билан шуғулланиши 1965 йилдан бошланиб касалликнинг эпизоотологияси, клиник белгилари, этиологияси ўрганила бошланган. Баҳоли қудрат кўзгатувчи аниқланиб, иш маҳсули сифатида формал (ўлик) вакцина тайёрланди. Иммунитетга кўп умидли вакцина миқдорда қўллаб кўришди. Формал вакцина бўлганлиги учун ҳам узоққа бормади. Соҳа бўйича фундаментал иш эса 1975-йилларга келиб Москва институтлари ҳамкорлигида ВИЭИ, ВГИКИ бошланди. Натижа ижобий бўлиб чиқди ва

қўйлар темирткисининг олдини олиш ҳамда замбуруғлар узок муддат касаллик чақириш қобилиятини сақлаб қолади.

Диагноз.

Қўйлар темирткиси эпизоотологияси билан клиник белгилари инобатга олиниб ҳамда микология текшириш усуллари қўллаб диагноз қўйилади. Клиник белгилардан юзаки чуқур диссеминирован ҳолатларда кечиши кузатилади. Касаллик билан кўп ҳолларда бир ёшгача бўлган қўй-қўзилар касалланади. Аввал касалланмаган қўйлар эса комплексларга касалга алинади. АСП да ҳам ҳамма ёшга мансублар ҳам касалланиши мумкин. Ҳал қилувчи диагноз қўйиш учун патматериал олиб лабораторияга юборилади.

Патологик материалларни танлаб олиш ва тадқиқот қилиш услуби.

Патологик табиий касалланган қўйлардан олинган материаллар намунаси қўй гавдасининг боши ва бўйнининг турли қисмларида жойлашган тризофитоз манбаларини бевосита четидан танлаб олинади. Улар қалин қоғоздан ясалган тоза халтачага солинади. Унинг патологик материал олинган жой (хўжалик) ҳайвоннинг тури, жинси, ва ёши шунингдек униг инвектор рақами ёзиб қўйилади.

Намуналар касалланган жойдан 2-3 мм узунликда қирқиб олинган жун қирқинлари ва майдаланган тери темиртки тангалари олдиндан спиртовка алангасида фламдирлаш йўли билан стерилизация қилинган бўлак ойнасига жойлаштирилади. Жун толаси ва тангачаларига 10% ли сувли учувчанишқор томчиси томизилади, гарелка алангасида қиздирилади.

Сўнгра спирт эритмаси глицерин сув томчилари томизилади. (1:1:1) кейин қоплама ойна билан ёпилади. Материал микроскопда х, 100х200х400 марта катталаштирилиб кўрилади ва артрспоралар шунингдек жун толаси ичида ва атрофида мицелийни борлиги ва жойлашишини белгиланади.

Патологик материалнинг микроскопик таъсири жун толасини йирик спорали экто ва эндорикс хилидаги қаттиқ жароҳатланиш билан таъсирланади. Думолоқ артрспоралар жунда занжир бўлиб эойлашади, уни

сирти ва ичида замбуруғлар мицелийси кўринишида аниқ кўриниб туради ёки тангаларида 2,6-7 мкм ўлчамида сочилиб туради.

Посев (экиш) техникаси.

Посев экиш ва соф штимм олиш учун касалланган зарарланган жун толаси танланади. Ҳар бир патологик материал намунасида 12 пробиркага қирқилган суслонлар ёки МПГ-га экилади. Соф замбуруғ ўстириш учун РН-6,3-6,5/ антисептиклар қўшмай ва олдиндан ишлов берилмай суло агардан олинадди. Суслон агарда ўсимлигидан ва 2% ли глюкозо эритмасидан фойдаланилган.

IV. БУЗОҚЛАРДА ТЕМИРАТКИ КАСАЛЛИГИНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ САМАРДОРЛИГИ.

Одамлар темирлатки-ташқи кўриниши, кечиши ва келтириб чиқарувчи сабаблари турлича бўлган кўпинча тери касаллигини ифодаловчи термин. Қичишиб, усти қипиқланиб турадиган ҳар хил тошмалар қадимдан темирлатки деб аталган. Қизил ясси темирлатки, пушти темирлатки, юздаги оддий темирлатки, тукли темирлатки ва бошқалар фарқ қилинади.

Қизил ясси темирлатки терининг хлоник касаллигини бунда билакнинг ички болдирнинг олд юзасига бел ички органлар терисига қизил оч пушти ёки бинафша ранг ўртаси ботик ялтироқ кўп бурчак шаклида майда тугунлар тошади. Улар қаттиқ қичишади, катталашиб атрофга тарқалади. Баъзан бири бири билан қўшилиб қипиқчалар ҳосил қилади. Қизил ясси темирлатки баданнинг ҳамма жойида (юздан ташқари), оғиз шиллиқ қаватида лабнинг қизил ҳошиясида ҳам учрайди. Келиб чиқиш сабаби тўлиқ аниқланмаган. Клиник кўринишига қарб қизил ясси бузоқлар темирлаткисининг ҳалқа шаклидаги пуфакчали ва ўткир учли типлари фарқ қилинади. Касаллик юқмайди узок вақт давом этиши мумкин. Бузоқларда қизил ясси темирлатки кўпроқ катта ёшдагиларга учрайди.

Пушти темирлатки –терининг инфекцион касаллиги: турли ёшдаги кишиларда кузатилади, кўзғатувчиси номаълум. Дастлаб терида оч пушти рангли майда доғлар пайдо бўлади. Улар юмолоқ ва овалшаклида пайдо бўлиши мумкин. Орадан 4-20 кун ўтгач доғлар баданнинг.... қисмини эгаллайди. Ўртаси қозғоқланиб туради. Беморнинг умумий аҳволи ўзгармаслиги ҳам мумкин, баъзан унинг ҳарорати кўтарилиб бадани қизишади дармонсизланади. Кейин доғлар кўнғир тус олиб орадан 4-8 ҳафта ўтгач ўз-ўзидан йўқолиб кетади ўрни қолмайди.

Баъзан аллергия мойил кишиларнинг касаллик вақтида териси нотўғри парвариш қилинса ўткир яллиғланиш кузатилади. (доғлар қип қизил бўлиб намиқиб туради).

Бузоқларда юздаги оддий темираткини стрептококклар қўзғатади. Бузоқлар юзига оғиз атрофига ҳар хил катталиқдаги оч пушти ранг тошмалар тошади. Кўпроқ бузоқчаларда учрайди.

Бузоқларда тукли темиратки асосан оёқларининг ёзишадиган жойлари кўпинча орқа соғасида учрайди. Шу жойларни ўзида кўп бўлган. Усти қипикли ушлаб кўрилганда қўлга катта қаттиқ ўйнайдиган майда кўк ранг тугунчалар пайдо бўлади. Кўпроқ ёш бузоқларда кузатилади. Касалланган тери қуруқ ғадир будир бўлади. Соч фолликулаларида мугузланиш жараёнини бузилиши оқибатида вужудага келади. Касалликка хос аломатлар бузоқ бир ёшдаёқ юзага келади. Касаллик аксари қишда қизийди.

V. ТЕМИРАТКИ КАСАЛЛИГИДА ЭПИЗООТИЯГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАР РЕЖАСИНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ.

Ветеринария профилакти ва эпизоотологияга қарши тадбирлар режаси барча хўжалик, туман, шаҳар, вилоятларда ҳар йили домимий равишда тузилиб ушбу режа 3 қисмдан иборат.

1. Диагностик текширувлар.
2. Профилактик иммунизация эмлашлар.
3. Даволаш ва профилактик ишлов бериш.

Хўжаликдан чиқарадиган ва хўжаликка келтирадиган моллар олдиғи текшириш ва унинг натижасида қатъий назар янгидан текширилади. Йирик шохли молларда темираткига қарши эмланади, 2 ойликдан ёшидан бошлаб бир маротаба тери ичкарисига юбориш усули билан таўкиллаштирилади, сигир ва насли буқалар эса икки маротаба баҳорда ва кузда текширилади. Янгидан келиб тушадиган моллар олдини олувчи карантинда турган давомида текширилади. Хўжаликдаги барча катта ёшдаги паррандалар инкубация учун ёки етказилиб бериладиган гўшт маҳсулотлари темираткига текширилиши керак.

Барча катта ёшдаги йирик шохли, ҳайвонлар она чўчқалар совлиқлар соғлом хўжаликдаги ҳамма насли эркак ҳайвонлар серологик ва аллергик усуллар билан темираткига текширилади. Она гуруҳидаги паррандалар қон томчи реакциясини қуйиш йўли билан пуллорозга текширилади.

Ҳамма келиб тушадиган бузоқлар қочиришдаги бўладиган ёш таналар энг камида 3 маротаба 10 кун аралашиб наслдор буқалар ҳар чоракда трихомонозга текширилади. Сунъий қочириш станцияларидаги уруғчилик корхоналаридаги наслдор буқалар 6 ойга вибриоз текшириб турилади.

Темираткига шубҳа қилинадиган бўлса, гематологик усулида текширилиб касалликнинг борлиги аниқланади. Йирик шохли бузоқларни темираткига соғлом бўлмаган хўжаликларда текшириб кўрилади. Ўтган

муддатидан қатъийназар илгари соғлом бўлмаган пунктларнинг ҳаммасидан бузоқларнинг отлар, чўчқалар, ва қўйларнинг ҳамма бош сони темираткига эмланади.

Ҳамма соғлом бўлмаган хўжаликдаги 3-ойликдаги бузоқлар яйловга ҳайдашга 2 ҳафта қочганда темираткига қарши эмланади. Охирги икки йил мобайнида касаллик тузатилган хўжаликдаги бўғоз сигир ва она чўчқалар туғишига 1,5-2 ой қолганда 3 марротаба эмлашлар оралиғи 10 кундан: бузоқлардан туғилганидан кейин 2 кун ўтгач чўчқа болалари ва 15 кунлари бузоқ ва чўчқа болаларининг қоратиф ва темираткига эмланади. Стационар соғлом бўлмаган хўжаликларда хавф туғдирувчи ва наслчилик хўжаликларида йирик шохли моллар яъни ҳайвонлар ва чўчқаларнинг лептоспирозга хотиржам бўлмаган ва хавф туғдирувчи хўжаликларда йирик шохли ҳайвонлар ва чўчқаларнинг пастеризациясига хотиржам бўлмаган ва хавф туғдирувчи хўжаликдаги чўчқаларнинг темираткиси: хотиржам бўлмаган ва хавф туғдирувчи хўжаликларда чўчқаларнинг темиратки касаллигига олдини олувчи эмлашлар режалаштиришади.

Олдини олувчи эпизоотияга қарши тадбирларнинг режаси, ветеринария тадбирларининг режаларида кўрсатмадиган режалаштиришнинг тамоиллари ва талаблари тўғри келган ҳолда ишлаб чиқарилади. Режа тузиш учун маълумотлар тайёрланади. Бузоқларнинг бош сони шунингдек келтириладиган наслик ишда фойдаланиладиган ҳайвонлар ва ҳамма турдаги ёшларининг тахминий сони хўжаликнинг қўшни яшайдиган пунктининг ва туманининг эпизоотик ҳолати (хўжаликда ҳайвонларнинг юқумли ва инвазион касаллиги борлиги қайси касаллиги диогностик текшириш олдини олувчи эмлашлар даволовчи, олдини олувчи ишловларни аниқлаш кўзда тутилади), режани бажариш учун бор бўлган ва зарур керак бўладиган биологик химмитерапевтик дори-дармонларнинг тегишли миқдорда ҳисобга олинади.

Ветеринария тадбирларини ташкиллаштириш.

Чорвачилик ва паррандичиликда амалга оширили зарур бўлган барча ветеринария тадбирларини режали равишда бир пайтнинг ўзида ташкиллаштириш ҳамда моддий-маънавий таъминлашни муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун барча ветеринария хизмати мутахассислари (давлат, идоравий, хусуси) ўз иш ўринларида доимий тарзда ветеринария тадбирларинг режасини тузиш ҳамда оқилона ташкил этиб, ижросини таъминлашлари талаб этилади. Бу эса турли юқумли касалликларни олдини олиш ва даволаш ҳамда тугатишда муҳим аҳамиятга эга.

Ветеринария тадбирлари 4-гурӯҳга бўлинади.

1. Ташкилий хўжалиларга тадбирлари.
2. Профилактик тадбирлари.
3. Ветеринария санитария тадбирлари.
4. Даволаш тадбирлари.

Ветеринария тадбирларининг иқтисодий таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари.

Иқтисодий ислохатлар даврида ҳозирги замон ветеринариясининг асосий вазифаси чорвачиликка хизмат кўрсатишнинг илғор усуллари ва воситаларини қўллаб ва чорвачилик бармоғининг рентабиллигини ошириб боришдан иборат. Бу вазифани мувофақиятли ҳал этишда ҳар бир ветеринария мутахассиси ветеринария муассасалари ва ташкилотлари бажарган ишларининг ҳар томонлама иқтисодий базми қилиб борилиши керак.

Иқтисодий самарадорликни аниқлашда ҳайвонларнинг касалланиши ва улушини камайтиришга уларнинг махсулдорлигини оширишда касаллик муддатларини қисқартиришга етиштириладиган чорва маҳсулотлари ва хом ашёнинг сифатлилигини таъминлашга соғлом подалар етиштиришга ва ҳокозолар имкониятларини ўрганилади.

Ветеринария тадбирларини натижаларни анамнез қилиш билан ветеринария иши иқтисожи фани шуғулланади. Бу фан ветеринария

тадбирларини чорвачиликни ривожлантиришга таъсир қилиш..... кам меҳнат маблағ ва воситаларни харажат қилиб маҳсулот етиштириш йўллариини ўргатади. Бу фаннинг асосий мақсади чорвачиликда ўтказилдиган ветеринария тадбирларини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ветеринария тадбирларини ўтказишда резервлардан фойдаланиш ветеринария фани ютуқларини қўллаш ва кам восита талаб қиладиган усулларни қўллаш ветеринарияда даволаш практика соғломлаштириш ветеринария санитария воситаларини ўтказишда янги илғор усулларни тадбиқ қилиш ташкиллаштириш ишларини ташкиллаштиришдан иборат.

VI. ЧОРВАЧИЛИКДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжаликда ишлаб чиқаришни саноат негизда ўтказиш бу ҳозирги пайтдаги бозор иқтисодиёти давридаги асосий долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Чорвачилик маҳсулотларини саноат усулида ишлаб чиқаришдаги асосий вазифаси бу қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан биологик имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ва кам меҳнат камдан кам озуқа сарфлаб юқори озуқа самарадорликка эришишдан иборатдир. Чорвачилик соғани ташкил этиш ва уларни бошқариш органларининг структураси қишлоқ соғаларини ташкил этишда жуда ўхшашадир. Худди йилқичилик, қорамолчилиқ, қўйчилиқ фермалари чўчқачилиқ ҳамда паррандачилиқ фабрикаларида асосий ишлаб чиқариш бўлинмаси саноат корхоналаридаги сеҳлар каби бўлади.

Фермада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш ферма бошлиғи зиммасига юклатилган бўлиб, фермада жавобгар шахс ҳисобланади. Фермадаги барча ишчи хизматчилар у кишига бўйсундилар.

Хўжалик керакли мутахасислар билан таъминланган бўлиб тузмий режа асосида малакаларини ошириб борадилар.

Иқтисодий назария инсонлар ўртасидаги иқтисодий муносабатини ишлаб чиқариш жараёнида ўрганилади ва қуйидагилардан иборат.

1. Ишлаб чиқариш.
2. Тақсимлаш.
3. Истеъмол қилиш.

Ташкил қилиш фани истеъмолчилар фани учун маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўргатади.

Ишлаб чиқариш учун уч элемент талаб этилади.

1. Меҳнат кураши.
2. Меҳнат воситаси.
3. Қўл кучи.

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида боқилади. Ҳамда чорвачиликнинг асосий қисмини хўжалик ташкил қилади.

Кўпчилик хўжаликларда ишлаб чиқариш яхши ташкил этиш бу катта иқтисодий самара олиш дегани.

Барча чорвачилик хўжаликларида юқумли ва юқумсиз касалликлар олдини олиш бўйича профилактик тадбирларни режа асосида олиб бориш керак.

Бу ишларни буларни амалга оширишда эса ветеринария мутахассисларига катта маъсулият юклайди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида чорвачилик асосий тармоқлардан бири бўлиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Бозор иқтисодиёти даврида чорвачиликни жадал ривожлантиришни имкониятлари, авваламбор чорвачиликни хусусийлаштириш ва ихтисослашган ўрта ва кичик фермаларни кучайтириш, ширкат, фермер ва аҳолининг шахсий хўжаликларида илғор тажриба, янги технологиялар ва фан ютуқларидан оқилона фойдаланишга қаратилиши лозим. Бунда хўжалик юритишнинг янги усуллари ва самарали ишлаб чиқариш тизимларини ишга солиш бозор иқтисодиёти учун айти муддаодир.

Чорвачиликни ривожлантиришда ширкат ва хусусий деҳқон хўжаликларининг фермаларини қайта шакллантириш ва барқарор тараққий эттириш билан нодавлат чорвачиликни жадаллаштириш ва ихтисослаштириш асосий омиллардан ҳисобланади.

Чорвачиликнинг истиқболдаги ривожланиши ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришига қаратилган стратегияси - «1998 - 2000 йилларда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Дастури»ни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ўз аксини топган. Бу дастур фермер хўжаликларини ташкил этиш, чорвачиликни хусусийлаштириш, мулкчилик шакллари ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

жараёнида рақобатчилик муҳитини яратишга ва рақобатни кучайтиришга қаратилган.

Ҳозирги кунда чорвачиликни жадал ривожлантириш асосида, унинг самарадорлигини оширишнинг барча ташкилий, иқтисодий ва қонуний ҳужжатлари, меъёрий асослари яратилган. Бу соҳа, асосан 5,6 минг чорвачилик фермер хўжаликларида ва 3,7 млн. шахсий томорқа хўжаликларида ривожлантирилиб мавжуд қорамолларнинг 66,1 фоизи, шу жумладан сигирларнинг 90,0 фоизи бундан ташқари, қўй ва эчкиларнинг 76,4 фоизи ва паррандаларнинг 58,7 фоизи деҳқон хўжаликлари ихтиёрида бўлиб, чорвачиликни хусусий мулкка айлантирилишига иқтисодий асос яратилмоқда. Таъкидлаш керакки мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган гўштнинг 91,1 фоизи, сутнинг 93,6 фоизи ва тухумнинг 63 фоизи умуман олганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60-63 фоизи хусусий томорқага хўжаликларда етиштирилмоқда.

Қўйчилик чорвачиликда анчагина катта аҳамиятга эга. Бу тармоқ гўшт, ёғ, сут, жун, тери, қорақўл териси каби хилма-хил ва қимматбаҳо маҳсулотлар беради.

Қўйчилик чорвачиликнинг товар маҳсулот етиштиришдаги етакчи тармоқлардан ҳисобланади, гўшт етиштиришда қорамолчиликдан кейин иккинчи ўринда туради. Қўй гўшти ҳар йили Ўзбекистонда етиштириладиган гўштнинг 20 фоизини ташкил этади.

Табиийки, чорвачилик тармоқларида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳозир энг асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ихтисослаштириш бир қанча омилларга, шу жумладан хўжаликнинг табиий-иқтисодий шароитига, қўйлар зотиға, уларни боқиш услубига, хўжаликдаги ишлаб чиқариш техникасига, маҳсулот етиштириш технологиясига ва буларнинг ҳаммасини бир мақсад учун йўналтирувчи иш жараёнларини тўғри ташкил этишга боғлиқдир.

Қоракўлчилик чўл ва ярим чўл минтақаларида яшовчи аҳолининг фаолият кўрсатиш ва даромад олиш манбаси ҳисобланади. Кейинги йилларда тармоқнинг хўжалик юритиш тизимида ҳам, мулкчилик шаклларида ҳам кескин ўзгаришлар рўй берди. Бунга Вазирлар Маҳкамасининг кейинги йилларда қабул қилинган қарор ва фармойишлари асос бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 июндаги “Қоракўлчиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 250-сонли қарори қабул қилинганидан сўнг тармоқда кескин ўзгаришлар бўлиши кузатилди. Ҳозирги кунда қоракўлчиликда иқтисодий ишларни такомиллаштириш, қоракўлчилик хўжаликлари ва корхоналарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида республикадаги 30 та наслчилик, 84 та товар хўжаликлари, қўйларни бўрдоқига боқувчи 11 та ва қоракўлча етиштирувчи 84 та мажмуа ҳамда қоракўлчилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган 2 саноат корхонасини бир тизимга бирлаштирувчи, «Ўзбек қоракўли» компанияси ташкил етилган.

Мамлакатимизда ҳар бир хўжалик жойлашган ҳудуднинг табиий шароитига қараб, уларда жойлашган қўйларнинг зотларига кўра қуйидагича ихтисослашишни кузатиш мумкин: қоракўл тери, гўшт-жун ва гўшт-ёғ маҳсулоти берадиган хўжаликлар.

1. Буғоз сигирлар туғиш олди ва туғиш давридаги ветеринар-санитар, зоогигиеник сервис хизматлари билан биргаликда, ҳар бир фермада умумий пода сонининг 10-15% ҳисобида профилакторийлар бўлиши шарт вау 3-4секциядан иборат бўлиб, ҳар бир секцияга жиҳозлар, инвентарлар ҳам алоҳида бўлади. Профилакторияда махсус қўшимча хона бўлиб, унда ювиш, дезинфекция, идишларни сақлаш хонаси бўлади, бузоқларга сут бериш идиш-анжомлари ҳам ювилган ҳолда шу хонада сақланади. Туғруқхонага кириш секциясига умивальник, сочиқ, совун, дезинфекцияловчи воситалар бўлади, ҳар бир хонада кириш жойида дезковрик бўлиши шарт. Ёки дезванна бўлади, кенглиги йўлакка тенг

бўлсин узунлиги камида 1,5 м бўлсин. Дезковрик вадехванналар қўйидаги эритмаларданбири билан тўлдирилади, намланади: 2-3% натрий ишқори ёки формалдегид, хлорли оҳак, гипохлар ва 2% актив хлорли оҳак эритмаси.

2. Буғоз сигирлар туғишига 1,5-2 ой қолганда махсус профилакторияларга ўтказилади ва озукланиш, парвариши яхшиланади. Қуножинларни туғишига 3-ой қолганда ўтказилади. Туққандан сўнг 10-15 сутка шу профилакторияларда боқиш, парваришlash давом этади. Туғриқ прафилакториясига ўтказиладиган сигирлар яхшилаб тозаланади оёғининг пастки қисми 05% лизол ёки формалин эритмаси билан ювилади.

3. Туғриқ профилакторияси ҳар куни тозаланади, лозим топилса дезинфекция қилинади. Туғиш белгилари ҳосил бўлган сигирлар орқа қисми 1:1000 КМпо у илиқ эритмаси билан ювилади. Бу жой ҳар бир бузоқ туғилгандан сўнг тўлиқ пол, шифт, эшик, ромлар ҳаммаси дезинфекция қилинади.

4. Янги туғилган бузоқ, тоза, резина коврикли клеткаларда сақланади. Киндик узилган жойига 5% йод настойкаси сурилади. Бузоқнинг онаси ялаб қуритсин, кейин алоҳида катакчага ўтказилади, шу ерда 8-10 кунликгача парваришланади. Катта ёшдаги бузоқлар бу хонада бўлмасин. Туғилган бузоқ Бузоқхона, туғриқхона клеткалар 2% формалдегид, 4% (+70°C ли) натрий ишқори, хлорли оҳак, 2% водород пароксиди (0,0%ли сут кислотаси қўшилган), 1м² га 1 л ҳисобида камида 3 соат экпозицияда дезинфекция қилинади ва кейинювиб ташланиб, шамоллатиб қуритилади. Молхона герметик бўлсади зинфекция аэрозол усулида ҳам қўлланилади, бунинг учун (38-40% фармолин) 20мл/м³, экпозиция -24 соат, кейин нейтроллаш қуритилади ёки формалинни нейтраллаш мақсадида 28% ли аммиак 10мл/м³ га сарфланиб дезинфекция қилинади. Молхонада аэрозол дезинфекция қўлланилганда ҳарорат +15°C дан паст бўлмаслиги лозим, ҳавонинг нисбий намлик даражаси 60% дан паст бўлмасин. Агарда нисбий намлик даражаси

60% дан паст бўлса 10-20 мл/м³ ҳисобида сув пуркалиб кейин аэрозол дезинфекция ўтказилади.

Кейин хона шамоллатиб қуритилиб ҳарорати 20-22°C етказилиб, сўнгра бузоқлар киритилади, бузоқлар гуруҳи ёши 3-кундан катта фарқи бўлмасин. Молхоналарнинг қолганлари қўйидаги дезинфекторлар билан дезинфекцияланади: 4% ли (70°C) иссиқ натрий ишқори, 3%ли парасод препарати ёки фоспар, гипохлор эритмаси, 3%ли актив хлорлиси, бу эритмалар бир марта 0,5 л/м² юзага, экспозиция - 1соат.

5. Сигирлар туққандан 1-соат ўтгач, шўртас атала (иссиқ ҳолда) билан озиқлантирилади. Йўлдош тўлиқ қўриб олиниб, махсус герметик идиш билан ёқиб йўқ қилинади. Сигир туққандан сўнг 5-6 соат ўтгач йўлдоши тушмаса симптоматик даволаш қўлланилади: прогестерин 2-4 мл, синистрал -2-4 мл, 40% глюкоза антибиотикли 500-1000 мл венага, агар туққандан кейин 24 соат ичида йўлдош тушмаса жарроҳлик услуги қўлланилади (оператив мануполотерапия).

6. Туққан сигир елини илиқ совунни сув билан ювилиб, тоза салфетка билан суртилиб сўргичлари 0,5% дазмол эритмаси, бирхлорли йод, хлорамин, 1%ли гипохлорид натрий эритмалари билан артилади. Соғувчи қўлини иссиқ совунни сув билан ювади, дезинфекция қилади. бирламчи сут махсус идишга соғиб олиб йўқ қилинади. Мастит, эндометрит билан касалланган.

7. Туғилган бузоқ 1-1,5 соат ичида эмиш рефлексии пайдо бўлгандан сўнг эмизилади. Эмиш рефлексини тормозлаш учун сўргични оғиздан чиқарилиб бермай туриш ҳоллари такрорланиши фойдали.

8. Туғилган кунлари 37-38°C ли. Кейинчалик суткада 3-марта эмизилади 40 мл/кг тирик вазнига бир ичишда. Учинчи кундан бошлаб бузоқларга қайнатилган сув ҳоҳишига берилади (25-30°C совутилгани).

9.Сут бериладиган идишлари ҳар сафар ишлатилгандан сўнг тозалаб ювилади ва дезинфекция қилинади 0,1% гипохлорид натрий, 0,5% дезмол кейин 60-65°C ли исик сувда душда ювилади. 1 минут давомида. Агар душ бўлмаса идишлар 10-15 минут дез эритмаларда ваннада сақланиб ювиб ташланади ва қурилади. Ҳар бир эмизидан сўнг резина сўргич албатта ювилади ва 1% сода эритмасида 2-3 мин. Қайнатилади. Сув берувчи идишлар ва сўргичлар ёпиқ шкафларда сақланади.

10.Фермада колибактериоз чиқиб қолса қўйидаги ишлар бажарилади:

- Касаллик чиққан бўлимдан плофикаторияга бузоқ қабул қилиш тўхтатилади. Касаллик чиққан бўлимда даволаш, профилактик ишлар амалга оширилади. Гўнг ва тўшамалар йиғилиб биотермик усулда зарарсизлан тирилади.

Гўнг йиғиштирида ишлатилган асбоб-анжомлар дезинфекция қилинади (ҳар куни).

Касал бузоқларга колибактериозга қарши гипериммун зардоб (моно, поливалентли) антибиотиклар, нитрофуран ва сульфаниламид препарат-лари юборилади улар йўриқномаси бўйича ишлатилади. Оғиз сути, сут бериш 1-2 марта тўхтатилиб, кейин қайноқ сув билан тенг аралаштирилиб берилади. Бир вақтнинг ўзида актив симпомотерапия қўлланилади тонусни оширувчи, резистентлик, ишқор-кислота мувозанатини оптималлаштирувчи, юрак-томирлар фаолиятини стабиллаштирувчи, сувсизланишни, ич кетишни, захарланишни нейтралловчи воситалар қўлланилади. Касал бузоқларга аълоҳида малакали, тажрибали ишчилар ажратилади.

Касал бузоқлар сақланаётган хоналар, гўнг, суюқликлар, ем-хашак, сут қолдиқлари 4% 70°C натрий ишқори, гипохлор, хлорли оҳак 3% ли актив

хлорли, пол, йўлакларга эса сўндирилган оҳак сепилади. Албатта дезинфекциядан сўнг молхона шамоллатилади. Бактериоцид лампалар қўлланилади УФО (2,5 Вт 1м³га). Манна шу хонадаги кишилар бошқа молхоналарга ўша кийиб юрган уст-бошлари билан ўтишлари, ёки шу хонага бегоналар киришлари таъқиқланади. Умумий касал хона бор жойга фақат боқувчилар, даволовчилар кириши мумкин холос.

Касалликдан ўлган ҳайвонлар ҳайвонлар жасадлари махсус герметик целлофан қопларда труп заводга юборилади ёки муфил печларда кўйдирилади. Жасадни тўғри келган жойда текшириш, ёриб кўриш қатъян манн этилади.

Барча туғилган бузоқларга 2-4 соат ичида 80-100 мл колибактериозга қарши гиперриммун қон зардоби ичилади рег ос.

Клеткалар оралиғи камида 1-1,5 м бўлиши таъминланади, контакт бўлмасин.

Бўғоз сигирлар колибактериозга қарши вакцина билан инструкция бўйича эмланади. 5-пунктда кўрсатилган каби дезинфекция қилинади, инвентор ва жиҳозлар ҳам дезинфекцияланади.

Касал бузоқлар соғайган кейин улар сақланган клеткалар ва бузоқхоналар 5-пунктда кўрсатилгани каби дезинфекция қилинади, инвентар ва жиҳозлар ҳам дезинфекцияланади.

VII. ВЕТЕРИНАРИЯ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИҚТИСОДИЁТИ.

Республикаимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида бозорли иқтисодиётга ўтиш шароитда амалга оширилаётган барча ислохатларни асосий миқдорли мавжуд имкониятлар ва интеллектуал салоҳиятни сафарбар этиб қишлоқ хўжалигида хусусан чорвачиликда маҳсулот хом ашё ишлаб чиқариш сифатини оширишда ҳайвонларнинг салдоматлиги ва Давлатимиз ҳудудининг эпизоотик соғлигини таъминлашда юқори малакали ва иқтисодий самара берувчи ветеринария хизматини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Бу долзарб вазифани бажариш ва эзгу мақсадларга эришишда “ветеринария ишини ташкил этиш ва унинг иқтисодиёти” фанининг ҳам ўз улуши бўлажак, чунки бу фан ветеринарияни барча касбий ишлари ҳамда фан ва амалиёти ютуқларини умумлаштирган бўлиб чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини кўпайтириш уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, барча ҳайвонларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, юқумли ва юқумсиз касалликларнинг олиди олиш даволаш ҳамда қарши курашишда амалий ташкилотчилик хизматини кўрсатади. Айни пайтда халқ хўжалигининг иқтисодиётида ижтимоий ҳаёт ва муҳофаа хизматида муҳим аҳамият касб этади. Ветеринария-ҳайвонларни касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларни даволаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг юқори сифатли чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, одамларнинг ҳайвонга ҳам, инсонга ҳам хос касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этишга доир давлат, жамоат, хўжалик ва махсус ветеринария тадбирлари мажмуидан иборатдир.

Ветеринариянинг асосий вазифалари

Қуйидагилар вет-санитариянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар, асаларилар, ҳайвонот боғларйдаги ва бошқа шу кабилардаги жониворларни касалликлардан ҳимоя қилиш;

аҳолини одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини бошқа давлатлар ҳудудидан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари олиб кирилишидан муҳофаза қилиш;

ягона давлат ветсринария назоратини амалга ошириш;

атроф муҳитни ҳимоя қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этиш;

ветсринария ходимлари тайёрлавд ва уларнинг малакасини ошириш;

фан ва техника ютуқларини ветеринария амалиётига татбиқ этиш.

Ветеринариянинг тузилиши

Ўзбекистон Республикасида давлат ветеринарияси, идо-равий ва хусусий ветеринариялар амал қилади.

Давлат ветеринария хизматини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси, вйлоятлар ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринария бошқармалари, туманлар, вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарларнинг давлат ветеринария бўлимлари, уларнинг қарамоғидаги ҳайвонлар касаллик-ларига қарши кураш станциялари (туман ветеринария станциялари), диагностика марказлари, ветеринария шифохоналари, лабораториялари, экспедициялари, ҳайвонлар касалликларвда қарши кураш отрядлари, бозорлардаги ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари ва давлат ветеринария тармоғининг бошқа ташкилот ва муассасалари амалга оширадилар.

Жойлардага давлат ва идоравий ветеринария бўлин-маларининг тузилиши ва миқдори чорвачиликнинг ривожланиш хусусиятларини, кушхона ва чорвачилик маҳсулотларини ҳайта ишлаш қорхоналарининг

жойлаштири-лишини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади ҳамда бош давлат ветеринария нозирлари билан келишилган ҳолда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланади.

Давлат ва идоравий ветеринария хизмати муассасалари қошида қонунларга мувофиқ шартнома асосида ветеринария хизмати кўрсатадиган қўшма корхоналар, кооперативлар ва бошқа хўжалик ҳисобидаги бирлашмалар тузилиши мумкин.

Ветеринария хизматини бошқариш

Ўзбекистон Республикаси ветеринария хизматига раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси амалга оширади. Давлат ветеринария бош бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тайинлайдиган бошлиқ бошчилик қилади.

Давлат ветеринария бош бошқармаси халқаро ветеринария ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси номидан вакиллик қилади.

Вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ветеринария хизматига раҳбарликни тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринария бошқармалари амалга оширадилар. Вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринария бошқармаларига тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси тайинлайдиган бошлиқ бошчилик қилади.

Туман ва шаҳарларда ветеринария хизматига раҳбарликни туман ва шаҳар давлат ветеринария бўлимлари амалга оширадилар. Туман ва шаҳарлардаги ветеринария бўлимларига тегишли туман ва шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда вилоят давлат ветеринария бошқармалари тайинлайдиган бошлиқ бошчилик қилади.

Давлат чегарасида ва транспортда ветеринария хизматига раҳбарликни давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармаси амалга оширади. Давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси тайинлайдиган бошлиқ бошчилик қилади.

Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардаги ветеринария хизматини бошқариш давлат идоралари ваколатлари доирасида тегишли ҳокимларга ва юқори идораларга бўйсундилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ветеринария хизмати Давлат ветеринария хизматининг вазифалари Давлат ветеринария хизмати идоралари ўз ваколатлари доирасида идоравий мансублиги ҳамда мулк шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг иши устидан, шунингдек айрим шахсларнинг фаолияти устидан ветеринария-санитария назоратини амалга оширадилар.

Давлат ветеринария хизмати:

Эпизоотик вазиятни баҳолайди ва ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳайвонларнинг эгаларига юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларни йўқотиш тадбирларини амалга ошириш юзасидан бажарилиши мажбурий кўрсатмалар беради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини четдан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан қўриқлаш, моллар, ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашё, ем-хашак, озуқабоп қўшимчалар ва чорвачиликда қўлланиладиган бошқа воситаларни тайёрлаш, ташиш, хориждан келтириш. устидан назоратни амалга оширади;

Касалликларнинг келиб чиқиши ва ҳайвонларнинг нобуд бўлишининг сабабларини таҳлил қилади, бундай ҳолларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади, ҳайвонларни даволаш ишини ташкил этади;

Ҳайвонларнинг касалликларини аниқлаш, шунингдек ем-хашак ва ичимлик мақсадида лаборатория-клиник ҳамда бошқа тадқиқотлар ўтказилади;

Ҳайвонларнинг юқумли, инвазион касалликларининг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларини амалга оширади;

Соғлиқни сақлаш органлари ва бошқа хизматлар билан биргаликда одамлар ва ҳайвонлар учун хавфли бўлган юқумли касалликларнинг манбаига барҳам беради, шунингдек ўзаро ахборотлар айирбошлайди;

Ветеринария-санитария жиҳатдан юқори сифатли чорва маҳсулотлари ва хом ашёси ишлаб чиқарилиши устидан назоратни амалга оширади:

